

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

**«БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШДА УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ:
МУАММО ВА ЕЧИМЛАР»**
**халқаро илмий-амалий анжуман илмий ишлар
ТЎПЛАМИ**

**Министерство высшего и среднего специального образования
Республики Узбекистан**
**Министерство инновационного развития
Республики Узбекистан**
**Чирчикский государственный педагогический институт
Ташкентской области**

ТРУДЫ
Международной научной конференции
**«НЕПРЕРЫВНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ В УСТОЙЧИВОМ РАЗВИТИИ:
ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ»**

**Ministry of Higher and Secondary Specialized Education of the
Republic of Uzbekistan**
**Ministry of Innovative Development of the
Republic of Uzbekistan**
Chirchik State Pedagogical Institute Tashkent region

PROCEEDINGS
International scientific conference
**«CONTINUAL EDUCATION IN STABLE DEVELOPMENT: PROBLEMS
AND SOLUTIONS»**

ТОМ I

21-24 май, 2019 йил

Чирчиқ ш.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти**

**«БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШДА УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ:
МУАММО ВА ЕЧИМЛАР»
халқаро илмий-амалий анжуман илмий ишлар
ТЎПЛАМИ**

**Министерство высшего и среднего специального образования
Республики Узбекистан
Министерство инновационного развития
Республики Узбекистан
Чирчикский государственный педагогический институт
Ташкентской области**

**ТРУДЫ
Международной научной конференции
«НЕПРЕРЫВНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ В УСТОЙЧИВОМ РАЗВИТИИ:
ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ»**

**Ministry of Higher and Secondary Specialized Education of the
Republic of Uzbekistan
Ministry of Innovative Development of the
Republic of Uzbekistan
Chirchik State Pedagogical Institute Tashkent region**

**PROCEEDINGS
International scientific conference
«CONTINUAL EDUCATION IN STABLE DEVELOPMENT: PROBLEMS
AND SOLUTIONS»**

ТОМ I

21-24 май, 2019 йил

Чирчиқ ш.

СОСТАВ ОРГКОМИТЕТА И ПРОГРАММНОГО КОМИТЕТА

Председатель конференции:

Мухамедов Г.И. - ректор Чирчикского государственного педагогического института Ташкентской области

Сопредседатели конференции:

Бегимкулов У.Ш. - зам. министра Министерства высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан

Ражаббаев Ш.Р. и.о. первый заместитель министра инновационного развития Республики Узбекистан

Джураев Р.Х. - академик АН РУз

Бурхонов Ш.Б. - Начальник управления народного образования Ташкентской области

Далабаева Н.Ю. - Начальник управления дошкольного образования Ташкентской области

ОРГКОМИТЕТ КОНФЕРЕНЦИИ

Состав оргкомитета:

Зиядуллаев О.Э., д.х.н., проректор ЧГПИТО
Хайдаров И.К., к.ф.м.н., проректор ЧГПИТО
Хусанов Б.Э. к.ф.н., проректор ЧГПИТО
Ортиков О.А. к.э.н., проректор ЧГПИТО
Мардонов Ш.К., д.п.н., профессор ЧГПИТО
Расулов Р. д.ф.н., профессор ЧГПИТО
Файзуллаев Дж.С. д.ф.н., профессор ЧГПИТО
Махкамов У.И. д.п.н., профессор ЧГПИТО
Раджабов Б.Ш. д.т.н., профессор ЧГПИТО
Эшжонов Р.А. д.х.н., профессор ЧГПИТО
Бойметов Б.Б. д.п.н., профессор ЧГПИТО
Икрамов Р.А. к.ю.н., доцент ЧГПИТО
Султанов Х.Э. доцент (ЧГПИТО)
Таджибаев И.У. к.ф.м.н., доцент (ЧГПИТО)
Турсунов И.Г. д.ф.м.н., доцент (ЧГПИТО)
Эшжонов Б.Х. д.ф.м.н., доцент (ЧГПИТО)
Ражабов Ф.Т. к.г.н., доцент (ЧГПИТО)

Члены оргкомитета:

Саматов С.Б. (ЧГПИТО)
Абраев Б.У. (ЧГПИТО)
Расулов А.Н. (ЧГПИТО)
Бобходжаев К.У. (ЧГПИТО)
Султанов С.И. (ЧГПИТО)
Бўриев Ф.Х. (ЧГПИТО)
Бозоров Н.Н. (ЧГПИТО)
Кучкаров Ш.Ф. (ЧГПИТО)
Мухамедов М.Н. (ЧГПИТО)
Курбонова М.Ф. (ЧГПИТО)
Икрамов Ф.А. (ЧГПИТО)
Отамухамедова Г.К. (ЧГПИТО)
Абдурахманова С.С. (ЧГПИТО)
Худайбердиева М.К. (ЧГПИТО)

ORGANIZING COMMITTEE AND PROGRAM COMMITTEE MEMBERS

Chairman of the conference:

Mukhamedov G.I. - the rector of The Chirchik state pedagogical institute in Tashkent region.

Co-chairman of the conference:

Beginkulov U.Sh - vice-minister of the ministry of the secondary education of the Republic of Uzbekistan.

Radjabboyev Sh.R – a.i. the first vice-minister of innovative developments of the Republic of Uzbekistan.

Djurayev P.Kh. – academic of science of the Republic of Uzbekistan.

Burhkonov Sh.B. - the head of the Department of Public Education of Tashkent region.

Dalabaeva N.Yu- the head of the Department of Preschool Education of Tashkent region.

Organizing committee

Organizing committee members:

Ziyadullayev O.E. – doctor of chemical science, vice-rector CHSPI

Khaydarov I.K. – candidate of physical-mathematical science, vice-rector CHSPI

Khusanov B.E. – candidate of philosophical science, vice-rector CHSPI

Ortikov O.A.– candidate of economical science, vice-rector CHSPI

Mardonov SH.K. – doctor of pedagogical science, professor CHSPI

Rasulov R. – doctor of philosophical science, professor CHSPI

Fayzullayev Dj.S. – doctor of philosophical science, professor CHSPI

Makhkamov U.I. - doctor of pedagogical science, professor CHSPI

Radjabov B.Sh. – doctor of technical science, professor CHSPI

Eshjonov R.A. - doctor of chemical science, professor CHSPI

Boymetov B.B - doctor of pedagogical science, professor CHSPI

Ikramov R.A. – candidate of judicial science, docent CHSPI

Sultanov KH.E. – docent CHSPI

Tadjibayev I.U. - candidate of physical-mathematical science, docent CHSPI

Tursunov I.G. – doctor of physical-mathematical science, docent CHSPI

Eshjonov B.KH. - doctor of physical-mathematical science, docent CHSPI

Rajabov F.T. candidate of geographical science, docent CHSPI

Membership:

Samatov.S.B (CHSPI)

Abrayev B.U. (CHSPI)

Rasulov A.N. (CHSPI)

Bobohodjayev K.U. (CHSPI)

Sultanov S.I. (CHSPI)

Buriyev F.KH. (CHSPI)

Bozorov N.N. (CHSPI)

Kuchkarov SH.F. (CHSPI)

Mukhamedov M.N. (CHSPI)

Kurbonova M.F. (CHSPI)

Ikramov F.A. (CHSPI)

Otamukhamedova G.K. (CHSPI)

Abrurakhmanova S.S. (CHSPI)

Khudayberdiyeva M.K. (CHSPI)

Virtual labs, open huge cognitive possibilities to students, by making them not only observers but also active participants in the conducted experiments. Conducting laboratory works on physics, using information technology allows to understand more deeply the physical processes and patterns, as well as to learn how to apply this knowledge in practice, to motivate students to research work. Training on the basis of computer technology creates conditions for effective manifestation of fundamental patterns of thinking, optimizes learning process. The factor, allowing to make it, is visualization of the basic mathematical and physical concepts, processes and the phenomena with the help of a computer.

Thus, applying virtual labs and professional programs in the educational process, that were made in the prescribed in accordance with the established procedure to use for the solution of practical tasks, meets existing and future needs, the requirements of modernity, acquaints the future specialists with the possibilities of using computer technologies in professional activity.

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ОРҚАЛИ ЁШЛАРНИНГ ЭСТЕТИК ТАРБИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.

Исмамов У.Ш

Тошкент вилояти Чирчик Давлат педагогика институтини

*Эстетика – гўзаллик манбаидир,
тўғри тушуниш, тўғри хурсанд бўлиш,
санъатнинг ҳаётдаги ўрнини кўра билишдир
Аристотел.*

Ёш авлодни ҳар томонлама ривожланишида эстетик тарбия алоҳида аҳамият касб этади. У борлиқни яхши идрок этиш ва тушунишга, кишиларнинг ҳиссиёт дунёсини чуқурроқ англашга, уларнинг ижодий қобилиятларини ўстиришга, гўзалликни ҳис қилишга ўргатади. Эстетик тарбияга эга бўлган болалар санъат асарларида, табиатда, одамлар орасидаги муносабатларда ва меҳнатда гўзалликни кўра оладиган бўладилар. Шунингдек уларнинг гўзаллик яратиш малакалари ривожланади, бадиий фикрлаш доираси кенг бўлади.

Маънавий юксалиш учун инсонга ҳамиша жуда катта билим, куч-қудрат керак бўлса, гўзалликни тушуниш учун идрок ва тасаввур қилиш лозим бўлади.

Инсон доимо юқори даражадаги тушунча ва дидга эга бўлмоғи ҳамда болани ҳам шундай йўналишда тарбияламоғи шарт. Бу эса одамнинг энг юқори ютуқларидан биридир.

Эстетиканинг тадқиқот объектлари ичида санъат алоҳида ўринни эгаллайди. У қадимдан то ҳозирги кунгача энг кўп тадқиқ этилган эстетик соҳа ҳисобланади. Тасвирий санъат билан шуғулланиш кишиларга эстетик завқ бағишлайди ва уларнинг руҳий дунёсини бойитади. Буюк мутафаккир Абу Али ибн Сино бобомиз санъат ҳақида шундай фикр билдирган: “Санъат- мўжизадир. Юрак ва миянинг шундай хилват жойлари борки, унга фақат санъат воситасидагина кириб бориш мумкин”⁴¹.

Ижодкор муҳитни, гўзаллик, ҳар хил образларни яратиш учун аввало уни тасаввур этмоғи ва сўнг тасвирламоғи лозим. Ўз устида тинимсиз меҳнат қилган мусаввиргина ўзи орзу қилган кўникмани шакллантира олади. Тасвирий санъатнинг умумий қонуниятлари ҳам бадиий асарда инсон психологияси, руҳий олам муаммоларини ҳал қилишни талаб қилади, чунки ҳар бир санъат асари одамларнинг қалбига, онгига таъсир қилгандагина эстетик туйғу уйғотади, диди тарбияланади. Тилимизда “гўзал”, “чиройли” деган сўзлар бор. Чиройли нарса кўз билан кўрилади. Гўзалликни эса ҳам кўз билан кўрилади, ҳам дил билан ҳис қилинади, онг билан идрок этилади.

Бола оламни ўрганиш ва билиш орқали ҳар томонлама ривожланади, олам бутунлигини тушуниб этади. Гўзалликни севиш орқали уни ҳис қилиш даражасига эришилади.

⁴¹ www.wikipedia.uz

Гўзаллик инсоннинг турмуш тарзида, ахлоқий ва ижтимоий ҳаётида, маънавий чехрасининг табиий шаклланишида акс этадиган ҳолатлар тизимида – маънавий тарбиянинг асосий категориялари сифатида акс этади. Гўзалликни кўра билиш, ҳис қилиш, дид билан баҳо бериш - ҳиссий кўникма ҳосил қилишга олиб келади.

Нарсаларнинг бир-бирига боғлиқлиги, овозларнинг табиат билан уйғунлашиб кетиши, рангларнинг ўзаро узвий оҳангдорлиги – гўзаллик негизидир. Инсон ички дунёсининг мукамаллиги, дидининг юксаклиги – шахсни ҳиссий гўзалликка интилувчан этиб тарбиялайди.

Гўзаллик ўқувчилар шахсининг – шаклланишида муҳим рол ўйнайди. У талабага бадий кўникма билиш билан узвий боғлиқ ҳолда шаклланади.

Ҳаёт эса бир-бирига таъсир этувчи кучлар орқали давом этади ва юксалади. Гўзаллик – инсонни ҳиссий жунбушга келтирса атроф муҳитга бўлган иштиёқини оширса табиий воқеаларни таҳлил қилишга ундаса демак гўзалликни ўзининг сирли кучи билан инсон руҳига таъсир кўрсатмоқда деб тушуниш керак. Шу куч гўзалликни ҳис этиб-янада мукамал санъат асарларини яратишга илхомлантиради.

Ҳар бир инсон аввало оилада, мактабда маънавий тарбиянинг асосини олади. Ушбу таълим-тарбия эса, умрининг охирига қадар таъсир этиши мумкин. Маънавий тарбия асоси эса гўзалликни, атроф-муҳитни севишга ўргатади. Яратувчанлик қобилиятини шакллантиради.

Болани санъат асарларини севиб тушунишга ўргатиш, авайлаб – асраш ва ижодиётга йўналтириш каби ҳислатлар маънавиятга етаклашнинг дебчаси ҳисобланади.

Маънавий тарбия – бу ҳиссий дид ва ақлий кўникма ҳосилдир.

Маънавий дид - инсонда гўзалликни ҳис қилиш, сезиш қобилиятининг негизидир.

Шахснинг ахлоқий тарбияси – маънавий тарбия билан узвий боғлиқдир. Инсонда мудраб ётган ҳиссиётни уйғотиш – маънавиятнинг асосидир. Бутун иш фаолияти даврида тўғри мўлжалда иш олиб бориш – гўзалликни ҳис қилиш манбаи ҳисобланади.

Ташаббускорлик ҳаётда ўзига ишонч, ҳаётга бўлган муҳаббат, олам гўзаллигини ҳис қилиш, ҳақиқатни ёлғондан фарқ қила олиш, гўзалликни хунуқликдан фарқлай олишлик каби ҳислатларнинг такомиллашувида санъат асарларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Ижтимоий ҳаётдаги сабоқлар шу нарсани кўрсатадики маънавий тарбиядаги эҳтиётсизлик мактаб парталаридан ҳиссий бўш, маънавий ноетук, гўзалликни кўра олмайдиган, ҳиссиётсиз, дидсиз шахсларни шаклланиб қолишига сабаб бўлади. Ақлан - заиф, қаҳри - қаттиқ, атроф- муҳитга бепарво, ота-онасига бемехр, қаллоб, шафқатсиз, ўз шахсидан бошқа шахсларни паст кўрадиган, турли оқим ва ақидаларга ишонувчан, динга кўр-кўрона ишонувчан –манқуртлар етишиб чиқишига ёрдам беради.

Улар шиддатли ҳаёт оқимига тайёр эмас, ўз манфатини кўзлавчилар бўлиб қоладилар. Уларни санъатга, гўзалликка йўналтириш бу жамиятимизнинг келажаги ишончли қўлларга ўтиши учун асосий кўприк вазифасини ўтайди. Бу ўринда тасвирий санъат ўқитувчисининг ҳиссаси беқиёсдир.

Гўзаллик бу – такрори йўқ гавҳардир. Уни кўра билишнинг илк ғунчаси –санъатдир.

- табиат гўзалликни яратувчи боғбон.
- умумбаширият гўзаллик ила тирик ва тўла-тўқис ҳамоҳанг яшайди
- Гўзаллик доимо кўз олдимизда, уни биз ҳар лаҳзада кўришимиз ҳис қилишимиз мумкин лекин бу ҳолатни ҳис қилиб сезиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Оламда хуник нарсанинг ўзи йўқ, ҳамма нарса чиройлидир. Уни қандай қабул қилиб кўра олишга боғлиқдир.
- Чиройни, гўзалликни кўра билишлик, қалбдан сезиш, завқланиш, лаззатланиш – бу маънавий дидимизга, ахлоқий дунёқарашимизга боғлиқ.